ИССИҚКЎЛ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Болаларнинг ёзги дам олиш пайтида Қирғизистоннинг Иссиққўл оромгоҳида "Ёш истеъдодлар-97" халқаро танлови ўтказилади. Ана шу кўрикда қатнашиш учун Ўзбекистон ёш ижодкорлари беллашдилар. Успенский номидаги республика ўрта махсус музика мактабида бўлган саралаш танловида кўплаб истеъдод эгалари қатнашдилар. Қобилиятли болалардан Михаил Исаев, Элеонора Қатлибулатова, Суннат Иброҳимов, Эдик Мансуров ғолиб чиқдилар ва Иссиққўл оромгоҳига йўлланма олдилар.

Чарос ГИЁСОВА.

ЭКСПОРТ ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

"Маҳаллий саноат" корпорацияси корхоналари маҳсулотлари жаҳон талаблари даражасига етиб бормоқда. Шунинг учун ҳам маҳсулотларни экспорт қилиш йўллари очилди. Биргина шу йилнинг ўзида МДҲ давлатларига 500 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот экспорт қилиниши белгиланган. Улар кийим-кечаклар, мебеллар, деҳқончилик неъматлари ва бошқа товарлардир. Ана шу экспорт эвазига буюртмачилардан хом ашё ва моддий-техника ресурслари, тунука, кимёвий ашёлар олинади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

"ЛОЧИН" ПАРВОЗГА ШАЙ

Янгиер шаҳрида "Ўзбекистон-Германия" қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Бу ерда айни кунларда эркакларнинг спорт кийимлари ва бошқа трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона дастгоҳлари Германиядан келтирилган. Калава эса Фарғона водийсидан олинаяпти. Корхонада мато тўқилиб, сўнг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

"ҚИЗИЛ ОЛМА" ФАРҒОНАДА

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ мамлакатимизда "Қизил олма" дастури 1995 йил сентябридан бошлаб амалга оширилмоқда. Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган ушбу дастур ҳозирга қадар Тошкент ва Самарқандда муваффақиятли ишлаётган эди. Эндиликда унинг доираси янада кенгайдирилган бўлди. Июль ойидан бошлаб Фарғона водийсида ҳам "Қизил олма" дастури асосида иш бошланади. Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган семинар-кенгашда водийлик 200 дан ортиқ шифокор қатнашди.

Алишер РЎЗИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 21 июнь, шанба № 72 (22.156).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

*1993 йил 23 июнь — **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёдгорликлар ва ҳайкалларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.***

*1993 йил 23 июнь — **Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг савдо-саноат марказида қардош Туркия Республикасининг саноат ва тижорат 2-кўргазмаси очилди.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 июнь куни мамлакатимизга Америка ҳукумати юборган инсонпарварлик ёрдамини топшириш учун ташриф буюрган АҚШ Президенти маслаҳатчиси Ричард Морнингстарни қабул қилди.

Малакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукуматининг АҚШ билан ҳамкорликка ва муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этар экан, Р. Морнингстарнинг ушбу миссияси ўзаро ишонч ва яқинликни янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

АҚШ Президенти маслаҳатчиси Р. Морнингстар самимий қабул ва билдирилган ишонч учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга ўз улушини қўшаётганидан мамнуният изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Америка муносабатларининг истиқболлари, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини Наманган вилояти жамоатчилиги катта қизиқиш билан кутиб олди.

Вилоят ҳокимлигида ушбу китобни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда қатнашган Республика Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Олий Мажлис депутати Эркин Аъзамов, иқтисодчи олим Тоҳир Иминов, тарихчи олим Азамат Зиё, ҳуқуқшунос олим Ҳалим Бобоев, журналистлар Иброҳим Норматов, Аслиддин Болиев китобнинг миллий давлатчилигимиз равнақи йўлидаги аҳамияти тўғрисида сўзладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Т. Жабборов иштирок этди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

Давлатимиз раҳбарининг мазкур китобини ўрганишга бағишлаб Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар, ҳуқуқшунослар, маданият ва маърифат ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори А. Турсунов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Азим Суюн, Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш партияси Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров, Гулистон Давлат университети профессори А. Каттабеков, Гулистон шаҳар туғруқхонаси бош шифокори М. Ҳожиматова ва бошқалар ушбу китобда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўллари белгилаб берилганини таъкидладилар.

Мазкур йиғилишда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов сўзга чиқди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

Андижон вилоятида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Республика Олий Мажлиси қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, «Андижоннома» вилоят газетаси муҳаррири Муқимжон Ниёзов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртбошимизни янги китобида давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий сиёсий, маънавий-маърифий муаммолари атрофлича таҳлил қилинганини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўллари белгилаб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тақдимот маросимида Андижон вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Қ.Обидов қатнашди ва сўзга чиқди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***«Интернет» ахборот агентлигининг маълумот беришича, толибларга қарши коалициянинг қўшинлари Кобулдан 70 километр шимолда жойлашган Жабал-ус-Сирож шаҳридан толибларни қувиб чиқариш учун яна ҳужум бошлади. Сўнгги хабарларга қараганда, ҳужумдан олдин икки соатли ракета-артиллерия тайёргарлиги ўтказилган. Толиблар генерал Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар.***

Исломободдан олинган бошқа хабарларга кўра, Афғонистоннинг шимолида вазият янада кескинлашди. Маълумотларга қараганда, толиблар гўёки Қундуз шаҳрини эгаллашган эмиш. Қундуздан олинган сўнгги хабарларга кўра, бу вилоятдаги бир неча жанговар қўмондонлар толиблар томонига ўтди.

* * *

☑ ***Албания жанубида деҳқонлар билан полиция ўртасидаги отишмалар натижасида олти киши ҳалок бўлди.***

* * *

☑ ***Жанубий Ливандаги мусулмонларнинг ҳарбий базаси Исроил авиацияси томонидан бомбардимон қилинди.***

* * *

☑ ***Фаластин раҳбарияти агар Исроил Шарқий Қуддусда ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яҳудийлар учун уй-жойлар қуришни давом эттираверса, Исроил билан тинчлик музокаралари ўтказишнинг сира иложи йўқ, деб ҳисоблайди.***

* * *

☑ ***Буюк Британия консерваторлари сиёсий саҳнадан кетган собиқ бош вазир Жон Мэйжор ўрнига партиянинг янги раҳбарини сайлолмадилар. Мэйжор ҳукуматида молия вазири бўлиб ишлаган Кеннет Кларк 64 овоз олди. Уильям Хэйг ундан икки овоз кам тўплади. Ғолиб эса аслида 164 овоз олиши шарт эди. Сайловнинг сўнгги босқичи келгуси пайшанбага мўлжалланган.***

* * *

☑ ***Жанубий Африкадаги оқ танли миллатчиларнинг раҳбари Юджин Тербланш туб африкаликларга ҳужум қилганлиги учун олти йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди.***

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАСТУРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссияси йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида йиғилиш бўлиб ўтди.

Комиссия йиғилишида профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Йиғилиш материаллари олимлар, вилоятдан келган тингловчилар томонидан қизиқиш билан ўрганиб чиқилди. Олимлар ва тингловчилар Президентнинг педагогик кадрларга бўлган ҳурмат-эътибори жуда юқори эканлигини таъкидлашди.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Қарор ва шарҳ

ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг чуқур сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида тамомила янгича бошқарув тизимини яратишга киришилди.

Бу соҳада ҳам миллий моделимиз тамойилларидан келиб чиққан ҳолда эски маъмурий - буйруқбозлик тизимидан, янги, бозор иқтисоди қонуниятларига мос келадиган бошқарув тизимини шакллантириш йўли танланди. Қисқа вақт ичида давлат, тармоқ, ҳудудий бошқарув тизимлари ислоҳ қилинди, уларнинг вазифалари ўтиш даври қонуниятларига мос равишда қайта кўриб чиқилди.

Хўжалик юритишнинг янги усуллари пайдо бўлиши билан тармоқлар, вазирликлар вазифаларининг муайян қисми хўжалик юритувчи субъектлар ва бозор инфраструктураси, маҳаллий-ҳудудий бошқарув органлари ихтиёрига ўтмоқда, маълум бир қисми эса бозор иқтисодиёти жорий этилиши муносабати билан ўзининг бошқарув мавқеини йўқотаётир.

Буларнинг ҳаммаси кўп укладли иқтисодиётнинг, мулкдор ва тадбиркорлар синфининг шаклланишига, пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий ривожи учун мустаҳкам замин яратмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бозор ислоҳотларининг биринчи босқичида марказий бошқарув органларининг мавқеи юқори бўлса, иккинчи босқичда ислоҳотларнинг асосий юки маҳаллий бошқарув органлари зиммасига тушмоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва улардан кутилган амалий натижаларга эришуви кўп жиҳатдан кичик ҳудудий бирликлар ва ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Чунки бозор иқтисоди инфраструктурасининг шаклланиши натижасида тармоқ, вазирликлар бошқарув тизимининг мавқеи бирмунча пасайиб, маҳаллий, ҳудудий бошқарув тизимининг аҳамияти ортмоқда. Маълумки, иқтисодий ислоҳотларнинг якуний натижалари уни амалга ошириш объектидан қатъи назар (республика, тармоқ, корхона), мужассамланган ҳолда ҳудудий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар) даражасида намоён бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, турли даражадаги бошқарув органларининг вазифаларини аниқлаштириш ва улар ишини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимиз Президенти бир қанча Фармонларга имзо чекди, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси аппарати фаолияти йўналишининг ўзгартирилиши, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг Макроиқтисодиёт ва статистка вазирлигига айлантирилиши марказий давлат бошқарув тизимини янги шароитга мослаштириш, улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан бўлиб, ҳудудлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ фаолиятлари самарадорлигини янада оширишни назарда тутади. Мазкур қарор маҳаллий-ҳудудий бошқарув фаолиятини тубдан ўзгартиришга, туманлар ва шаҳарлардаги иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилишга ва уларни замонавий усуллар билан бошқаришга қаратилган.

Қарорнинг туб моҳияти, энг аввало, бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтишни жорий этишдан иборат.

Маълумки, бозор муносабатларининг тўлақонли шаклланиши шароитида горизонтал хўжалик алоқаларининг кенгайиши натижасида марказий бошқарув органларининг ваколатлари камайиб боради. Сақланиб қолган тармоқ бошқарув органлари эса мамлакатимизнинг стратегик иқтисодий сиёсатидан, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда тармоқ ривожланиши умумий йўналишларини, илмий-техникавий сиёсатни, чет эл инвестицияларини олиб келиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш масалалари билан шуғулланади. Макроиқтисодий ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи вазирликларнинг аҳамияти ортади.

Ҳудудий бошқарувни такомиллаштиришдан асосий мақсад маҳаллий-ҳудудий ўз-ўзини бошқарувни давлат бошқаруви билан уйғун ва мувофиқ олиб бориш, бошқача қилиб айтганда, маҳаллий бошқарув органларининг мустақилликни кучайтирган ҳолда улар фаолиятини марказий давлат бошқарув органлари томонидан билвосита назорат қилишдир.

Билакс, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳам, давлат ҳудудий бошқаруви ҳам ўз фаолиятларини битта ҳудудга қаратадилар. Лекин биринчисининг фаолияти кўпроқ ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчиси, энг аввало, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқади.

Собиқ шўролар тизимида маҳаллий бошқарув органлари ўз фаолиятида кўпроқ ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудлар манфаатини устунроқ қўйсалар, у ҳолда «маҳаллийчиликда» айбланар эдилар. Шу сабабли вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан ва самарадорликни оширишдан, миллий даромадда ўз улушларининг кўпайишидан манфаатдор эмасдилар. Бу, ўз навбатида, вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Уларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш паст даражада қолаверди.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодий ривожланишида кўпроқ эркинликка эга бўлишлари, ишлаб чиқариш натижаларидан, аввало, ушбу ҳудуд аҳолиси манфаатдор бўлиши лозим.

Қарорда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари зиммасига иқтисодий-табиий салоҳиятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, улардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда вазирликлар, марказий бошқарув органлари билан келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш, шу мақсадда дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Энг муҳим масалалардан яна бири — бу, ҳокимликларга улар ҳудудида жойлашган вазирликлар, республика ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш ҳуқуқлари берилганлигидир.

Демак, вилоят ҳокимликлари ушбу ҳудудда жойлашган барча хўжалик ва корхоналар фаолиятини маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирадилар. Бу — ҳудудлар ижтимоий ҳолатини яхшилашга, энг аввало, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга кенг йўл очади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида ахборот таҳлил гуруҳларининг тузилиши эса вилоят, туман ва шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнини изчил кузатиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш ислоҳотлар ўтказилиш мониторингини амалга ошириш имконини беради.

Айнан шу вақтгача иқтисодий ислоҳотларнинг бориши вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида чуқур таҳлил қилинмас, уларни чуқурлаштириш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш йўлларини топишга етарли даражада эътибор берилмас эди.

Қарорда кўзда тутилган ўзига хос жиҳатлардан бири ҳокимликларда тармоқлар бошқарув тизими ўрнига котибиятлар ташкил этилганлигидир. Бундан мақсад ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, бошқарувда яхлитликка эришиш, қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатлар савиясини ошириш, уларнинг қуйи бошқарув органларида изчил бажарилишини назорат қилишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган мазкур қарор маҳаллий-ҳудудий бошқарув тизими ваколатларини оширади, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезкор таҳлил қилиш, марказий давлат органлари қабул қилган қонун ва қарорларнинг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш учун катта имкониятлар яратиб беради. Энг муҳими, юқори бошқарув органларига тааллуқли ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқарув тизимига беради ва уларнинг жавобгарликларини оширади.

Пировардида қарор ижроси мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бажарилишини таъминлайди, вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тафовутларни камайтиради, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиради ва турмуш фаровонлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Аваз СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Минтақавий семинарларда

КОТИБЛАР ЎҚИШИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий-ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ партия кенгашлари котибларининг анъанавий ўқишлари бошланди.

Шу йил 19 июнь куни Навоий шаҳрида ХДП Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари шаҳар ва туманлари кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А.Жалолов «Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида» маъруза қилиб, партия парламентчилик фаолияти, ташкилий-сиёсий ишлари, МК XVII пленуми қарорларини амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар тўғрисида гапирди. У, шунингдек, партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни бажаришда мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида баён этилган қоида ва хулосаларга таяниш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби Д.Воҳидов, Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби Ж.Нуруллаев, Самарқанд вилоят кенгаши иккинчи котиби Б.Бўронов, Пайариқ туман кенгаши биринчи котиби Э.Аҳадов, Бухоро туман кенгаши биринчи котиби С.Жўраева, Учқудуқ туман кенгаши биринчи котиби М.Сейтназаров, Самарқанд туман кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқуловлар сўзга чиқиб, партиянинг тегишли ташкилотларида тўпланган ижобий иш тажрибаси, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий тоғ металлургия комбинати музейида, Қосимшайх мақбарасида бўлдилар, Кармана шаҳридаги 8-маҳалла қўмитаси ҳамда ундаги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти иши тажрибаси билан танишдилар. Улар Навоий шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўрдилар.

Семинар-кенгаш ишида Навоий вилояти ҳокими Ҳ.Ғаффоров иштирок этди ва сўзга чиқди, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ.Авезов қатнашди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак.

И. А. КАРИМОВ.

Ҳуқуқий маданият

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИФОДАСИ

Тарихдан маълумки, ҳар бир халқнинг келажаги унинг ўтмиши, маънавий қадриятлари салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Янги жамиятни барпо этиш жараёнида халққа хос фазилатлар, унинг маънавий-руҳий табиати, ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий-жуғрофий шароитларни инобатга олиб иш юритиш кўзланган мақсадга эришишнинг гарови бўлади.

Чунончи, бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилиги анъаналари, халқимизга хос фазилатлар бугунги кунда ҳам демократик ҳуқуқий давлатни яратишда андоза олса арзигуликдир.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк онлариданоқ ҳуқуқшунослар олдига янги қонунчилик асосини яратишда нафақат жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан, балки ўз миллий қадриятларимиз, бой маънавий меросимиз ва тарихий ўзбек фикҳ-ҳуқуқ илмининг ўгитларидан фойдаланиш вазифасини ҳам қўйганди. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Асосий Қонуннинг ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таяниб яратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Конституциямизда мустақилликка интилиш, ўз-ўзини бошқариш, инсонпарварлик, ижтимоий адолатни таъминлаш, қонун-қоидаларга ҳурмат каби ўзбекона фазилатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига кўра, ҳокимлик институтининг жорий этилиши совет давридаги иқтисоднинг кушандаси бўлган мафкура ва ижро ҳокимияти ваколатларининг аралашиб кетиши жараёнига кескин чек қўйди.

Асл ўзбекона фазилат бўлмиш бошқарувнинг жамоавийликка асосланган яна бир кўриниши Асосий Қонуннинг 105-моддасида мустаҳкамланган, яъни қишлоқ ва маҳаллаларда ўзбекларнинг асрий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз-ўзини бошқарувнинг демократлашган тартиби қонуний тарзда жорий этилди.

Ушбу тартиб республика Олий Мажлиси томонидан 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда янада батафсил акс эттирилди. Унга кўра «Ўз-ўзини бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ҳуқуқларни рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради».

Маҳалла йиғинларига қонунчиликда жуда катта ваколатлар берилган. Улар ўз ҳудудларида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, бу мақсадда шу ҳудуддаги корхона ва ташкилотларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш юзасидан мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ҳамда корхоналар, устахоналар ва халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш, кўчалар, майдонлар ва бошқа жойларнинг номларини ўзгартириш масалаларини қонунда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқишга ҳақлидирлар.

Бугунга келиб, маҳаллалар мустақил давлатимизнинг Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу боис Президентимиз И. А. Каримов республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган маърузасида «Маҳалла одамлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда» деб, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига катта баҳо берди.

Жорий йилнинг 1 мартидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси кучга кирди. Юртимиз иқтисодий-ижтимоий ривожининг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлган мазкур қонун ҳам миллий қадриятларимизни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Жумладан, кодекснинг «Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар» деб номланган олтинчи моддасига кўра қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган хулқ-атвор қоидалари расмий тарзда иш муомаласи одати деб ҳисобланади. Тегишли нормалар бўлмаган тақдирда фуқаролик муносабатлари маҳаллий одатлар ва анъаналарни қўллаш воситасида тартибга солинади.

Ўзбекистонда, юртбошимизнинг ибораси билан талқин қиладиган бўлсак, «Диний анъаналар билан халқ анъаналари шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди».

Зеро, Ислом дини доимо яхшилик, поклик, ҳалоллик, инсонпарварлик ва Ватанни севишга ундаб келган. 1991 йилда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ушбу талабларни ифода этиб, халқимизнинг маънавий покланишида катта ўрин тутмоқда.

Аждодларимиз доимо қонун-қоидаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, адолат ва иймонга амал қилиш хусусиятларини қарор топтиришга катта эътибор билан қараб келганлар. Асрлар давомида ўзбекона урф-одатлар, шариат мезонлари, «Авесто» тарихий ёдгорлиги, Амир Темур тузуклари, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний-ларнинг асарлари одамлар орасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, низоларни ҳал этишда катта аҳамият касб этиб келган. Соҳибқирон асос солган давлатда раият ва лашкар қозиларнинг бўлиниши мураккаб низоларни ҳал этишга ижобий таъсир ўтказган. Ушбу осори-атиқаларда талқин қилинган ғоялар бугунда амалда бўлган «Судлар тўғрисида»ги Қонун, Жиноят-процессуал кодекси ва республика Олий Мажлиси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган Фуқаролик-процессуал кодексларида ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллигимиз шарофати билан қабул қилинган ҳаққоний демократик Конституциямиз ва янги қонунларимиз халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, табиати ва маънавиятини тўла маънода акс эттиради.

Дилфуза ДЕҲҚОНОВА,
И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ЧИПТАМИЗ ПУЛИГА КУЙИБ ҚОЛДИК

Биз яқинда Тошкентга — ўқитувчилар малакасини ошириш институтига йўл олдик. Афсуски, Қўқон темир йўл бекатидаёқ кайфиятимиз тушди. Сабаби, биз 31 майда эртаси куни, яъни 1 июнь кеч соат 18.05да жўнайдиган Андижон-Қўқон-Тошкент поездига чипта олдик. Худди, шу пайтда одам кўплиги ва топилган 2 та чиптадан қувончимиз ичимизга сиғмай чипталаримизга қарамабмиз. Чипта сотувчи Хадичахон Жабборова 1 июнь ўрнига 31 майни ёзиб қўйганлигини кетадиган куни пайқадик, холос.

Зудлик билан Қўқон темир йўл бекати навбатчиси Тўламбой Хўжамбердиевга учрашдик. У киши шу поезднинг бизлар кетадиган вагондаги 39—40 ўринлар ҳақиқатдан ҳам бўш бўлса, кетишимиз мумкинлигини айтди. Худди шундай бўлиб чиқди. Ўринларимизга бошқа чипта сотилмаган экан. Аммо, 925-рейсдаги шу поезд бригадири: «Сана ўтиб кетибди», дея баҳона билан бизни олиб кетмаслигини билдирди. Шу-шу биз поездда кета олмадик. Чиптамиз куйиб қолди. Навбатдаги 21.05да жўнайдиган Наманган—Тошкент поездига чипта олишга мажбур бўлдик.

Қўқон темир йўл бекатидаги тартибсизликлар ва Х. Жабборова сингари чипта сотувчиларнинг хурмача қилиғига чек қўйиладими?

Хуллас, бизки чиптамиз пулига куйиб қолдик, бошқалар чув тушиб қолмасин.

Хуринса ҚУРБОНОВА,
Каримахон АБДУРАИМОВА,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, 24-ўрта мактаб ўқитувчилари.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИМИ?

Президентимиз элу юрт фаровонлиги йўлида қатор Фармонлар чиқармоқда. Аммо, уларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам рисоладагидек бажариляпти, деб бўлмайди. Масалан, маҳаллада кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва икки ёшгача бўлган болалар нафақасини беришда туманимизда камчиликларга йўл қўйиляпти.

Болалар нафақаси учун зарур бўлган ҳужжатларни йил бошида йиғиб топширдим. Январь ойи учун тўлашди. Кейин эса... Нега тўхтатиб қўйишди, билмайман. Мана биринчи ярим йиллик ҳам ниҳояланмоқда. Нафақа эса тўланмасдан келинди. Амалдаги Низомга кўра, олти ойгача болалар нафақасини олишимиз керак эди.

Аббос РАҲИМОВ,
Денов тумани, Собир Раҳимов жамоа хўжалиги.

ЯХШИ ИШЛАГАНЛАР ЁЛҒОН ГАПИРИШМАЙДИ

Яхши ишлаётганларнинг сувдан кўтарган ғалвири салмоқли бўлаяпти. Масалан, Денов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев раислик қилаётган Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги гектаридан 50 центнердан дон ҳосили олмоқда. Хўжалик 1202 тонна ғалла тайёрлаб давлат шартномасини бажарди. Улар яна 1,5 минг тонна ғалла жамғаришмоқчи.

Музработ туманидаги Абдулла Набиев номли деҳқон (фермер)лар уюшмаси ҳам 2286 тонна ғалла сотиб, давлат шартномасини биринчилар қатори уддалади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АТЛАСИМ ЎЗБЕККА ХОС.

Ш. ШАРИПОВ (ЎзА) олган сурат.

Мулоҳаза

ЎЗБЕКИСТОН ТЕХНОЛОГИЯСИ ЎЗБЕКНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

Дунё яралибдики, не-не тўфонларни бошидан кечирмади. Бугун эса дунё кемаси илму техника тараққиёти тўфонига ғарқ бўлганча, бетўхтов сузиб бормоқда. Бунинг тўлқинини юртимиз ривожида ҳам сезиш мумкин. Айниқса, бу борадаги силжиш мустақиллик йилларида яққол намоён бўлди. Илм-техниканинг олий кўриниши бўлмиш компьютер кириб бормаган бурчак қолмади ҳисоб. Дунё эса яна янги-янги кашфиётлар билан бойиб бормоқда.

Кейинги даврда инсоният бу борада улкан сакрашлар қила олдики, натижада компьютер одамзотни нафақат жисмоний меҳнатдан озод этди, балки эндиликда ақлий меҳнат ҳам компьютер зиммасига юкланмоқда. Масалан, Англиянинг «Плесси» электрон компанияси самолёт ўриндиғи суянчиғининг ортига ўрнатган компьютер орқали йўловчилар хоҳлаган маълумотларини олиши, борадиган еридаги меҳмонхонага жой буюртма бериши, керак бўлса, самолётнинг техник аҳволи, қаерда кетаётганлиги ва бошқа ахборотларни бир зумда олиши мумкин. НАСА муҳандислари томонидан яратилган «Данте» робот-компьютер Антарктиданинг Росса оролидаги ҳаракатдаги Эребус вулқони оғзидан 200 метр чуқурликка тушиб, кузатиш ишларини олиб борган. Энди эса бу қурилма Ой ва Марсни текширмоқчи. Ёки япон муҳандислари яратган янги компьютерни олиб кўрайлик. У поезд йўлларидаги турли қунгилсиз тўқнашувларнинг олдини олади, яъни йўлда турган 1 километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, хуллас, ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган жамики нарса тасвирини локомотивнинг олд ойнасига чизади. Худди шунингдек, Лос-Анжелес кўчаларидаги ажойиб автомобиллар ҳақида ҳам тўхталмай илож йўқ. Бу автомобилларга компьютер ўрнатилган бўлиб, шу дамда қайси кўчада транспорт «тиқини» мавжудлиги ҳақида ҳайдовчига олдиндан хабар беради ва шу билан бирга манзилга тезроқ етиш учун энг яқин ва бўш кўчаларни кўрсатади. Ёки Исроилнинг Бен Гурион номидаги дорилфунун мутахассислари яратган компьютерни айтмайсизми? У акустик восита ёрдамида чақалоқнинг йиғлаш сабабларини аниқлайди, яъни чарчашданми, касалликданми, очликданми ё чанқоқликдан йиғлаяптими — шуларни «айтади». Таржимон-компьютерлар ҳақида эшитганимизга эса анча бўлди. Хуллас буларнинг барчаси илм-фан бугунги кунда қай даражада эканлигини, унинг имкониятлари мезонини, салоҳиятини кўрсатади. Шу ўринда булар ўз йўлига дейишимиз ҳам мумкин. Негаки, Япония, Англия, Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея сингари ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида компьютерлашмаган, автоматлашмаган қайси соҳа қолганлигини аниқ айтишнинг ўзи қийин. Гапнинг индаллоси биз ҳам шу даражага етишни, улардан ўзиб кетишни хоҳлаймиз. Юрагида ўти бор, юрт, эл ишқида ёниб яшаётган ҳар бир ўзбекдан сўраб кўринг, албатта, шу гапни айтади. Бироқ бу ҳозирча гап, ҳолос. Саноат технологияси соҳасида бу гапни амал билан «михлаб» қўядиган жавоб йўқ. Тўғри, ҳозир Ўзбекистон юксалиш учун замин бўлувчи улкан қурилишлар — яратувчанлик майдонига айлангани инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам кашфиётлар кўп қилинган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда. Ахир мамлакатимизда минглаб илмий даражадаги фан одамлари бор. Бироқ саноат технологияси борасида ўзимиз яратган қайси ютуқларимиз билан мақтана оламиз?

Газетада ўқиб қоламиз, радиода эшитамиз, телевизорда кўрамиз: республикамизнинг фалон-фалон жойида янги корхона қурилди ёки фалон корхона қайта жиҳозланди. Барча ишлаб чиқариш ускуналари Германия ё Жанубий Кореядан олиб келиб ўрнатилди, деб. Бу кўринишни шу кунларда тушуниш мумкиндир балки. Негаки, мустақилликка эришиб, энди тетапоя бўлаётган юртмиз. Бироқ завод-фабрикаларимизни гуриллатадиган ўз ускуналаримиз қачон яратилади? Ўзбекистоннинг ўз технологияси қачон дунёга чиқади? Бунинг замини борми? деган саволлар туғилиши табиий.

Шу ўринда юртбошимизнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши сессиясида қуйиниб сўзлаган қуйидаги гапларини эслаб ўтмай илож йўқ. «Жамиятимиз истиқболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту саодатини ўйлар эканмиз, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда».

Ўз-ўзидан аёнки, гап мактабларимизга, ўқувчиларга, ўқитувчилар савиясига бориб тақалмоқда. Ҳозирги даврга келиб пойтахтда компьютер синфлари ташкил этилмаган мактаблар қолмади ҳисоб. Вилоятларда эса бу жараён давом этмоқда. Бироқ ёшларга бу соҳа бўйича теран билим берадиган мутахассислар билан таъминлаш масаласи эса ҳозирча очиқлигича турибди. Бунинг биринчи сабаби республикамизда бу соҳа кадрларининг камлиги бўлса, иккинчиси мутахассисларни мактабларга жалб этадиган моддий базанинг носозлиги (аслида йўқлиги, десак ҳам бўлаверади)дир. Шунинг учун ҳам айрим мактабларда ўқитувчилар стишмовчилиги, уларнинг аксариятини асосан аёллар ташкил этиши ҳақиқат. Бу — келажакка бепарво қараётганимиз туфайлидир.

Университетда бир ўқитувчим бўларди, Тўланбой Қурбонов деган. У бундан беш йиллар муқаддам Америка Қўшма Штатларидаги университетлардан бирида бир йил талабаларга дарс бериб қайтган. У бир гапни айтиб берганди:

80-йилларда бутун дунё бўйича мактаб ўқувчиларининг олимпиадаси ўтказилади. Уша беллашувда япон ўқувчилари биринчиликни олишади, америкалик ўқувчилар эса олтинчи ўринга зўрға «илашади». Ушанда Америка журналистлари «Мамлакат хавф остида. Ўқувчиларимиз олтинчи ўринга зўрға чиқишди. Бу эртага фирма ва компанияларимиз, бир сўз билан айтганда ишлаб чиқариш ўлади, деган сўз, бу — иқтисодиёт издан чиқади, дегани. Демак, келажагимиз жар ёқасида» дея матбуотда жар солишади. Ушанда Америка ҳукумати буни тушунган ва таълимда бир қатор ислоҳотларни амалга оширадики, натижада «таназзул»дан чиқиб олади.

Хўш, бу гапнинг юқоридаги мавзуга нима алоқаси бор, дегувчилар ҳам чиқиб қолса керак. Гап ёшларга маънавий тарбия, замонавий ва чуқур билим бериш ҳақида кетар экан, албатта алоқаси бор. Зеро, мактабда олинган билим — келажакда жаҳон миқёсида ўз ўрнимизни топишнинг муҳим калитидир. Бу калитни тайёрлаш эса кадрлар масаласига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси иш бошлади. Зеро, юртбошимиз айтганидек, «Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади». Ҳали кунлар келади, Ўзбекистон технологияси дунёнинг ҳар бурчига авлодларимизни танитади, ўзбекни танитади.

Алимқул СУЛТОНОВ.

ИСМ-ФАМИЛИЯМИЗ ЎЗБЕКОНА БЎЛСА...

Исм ва фамилия айтилиши ёки ёзилиши билан кишининг қайси миллатга мансублигини бутун жаҳон дарҳол билса, қандай яхши!

Георгадзе, Шенгелия, Махарашвили дейилганда гуржилар эканлигини, Мартиросян дейилиши билан армани эканлигини, Бинкаускас, Илиади, Торичелли дейилганда эса литва, грек, итальян миллатига мансублигини ҳаммамиз дарҳол бехато англаймиз. Бу айтилганлардан бошқа кўпгина халқларда ҳам фақат уларнинг ўзларигагина хос бўлган шаклдаги исм-фамилиялар бор. Масалан: японларда, финларда, руминларда, венгерларда, хитойларда... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.

Мен бу шакллар маълум тарихий даврларда келиб чиққан, маълум шарт-шароитларда пайдо бўлган деб ўйлайман. Ҳудуд, тил, ирқ, дин, умуман маданий-маърифий томонлардан бир-бирларига жуда яқин бўлган халқларда ҳам исм-фамилиялари (ҳеч бўлмаганда фамилиялари) бир-биридан фарқ қилиб туриши учун қандайдир ички зарурат, эҳтиёж сезилган бўлган бўлса керакки, халқлар айнан у ёки бу шаклни ўзлари танлаганлар.

Мен истардимки, бизларни юқоридагилар каби, қаерданлигимиз айтилмай турибоқ, катта-катта жаҳон анжуманларида исм-фамилияларимизнинг шаклидан Ўзбекистондан эканлигимизни дарҳол танишса, билишса...

Фикримча, мустақиллик шароитида бунинг унчалик қийин жойи йўқ. Биз ўзбеклар ҳам фақат ўзимизгагина хос бўлган исм-фамилияларимиз шакллари қандай бўлиши кераклигини ўзимиз тегишли танловлар, муҳокамалар ўтказиш йўли билан аниқлаб олишимиз мумкин.

Бу ҳолат миллий ўз-ўзлигимизни танишда, дунёга яна кенгроқ танилишимизда яна бир восита бўлиши аниқ. Мен шундай деб ўйлайман.

Сизлар нима дейсизлар?

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
Тошкент шаҳри.

Америка Қўшма Штатларининг Денвер шаҳрида бўлиб ўтадиган «Катта саккизлик»нинг бўлажак учрашувида Африкага халқаро иқтисодий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳим мавзулардан бири бўлади.

* * *

Оттава шаҳри раҳбарлари Денвердаги бўлажак Саммит давомида Канада Президенти Жан Кретьен билан Борис Ельцин учрашадилар, деб фараз қилишмоқда.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

* * *

Доғистонда газ ҳақини ўз вақтида тўламаган корхоналарга ёқилғи етказиб бериш тўхатилди.

* * *

Исроил томонидан назорат қилиб турилган Жанубий Ливаннинг чегара ҳудудида номаълум кишилар томонидан қўйилган бомба портлаши натижасида икки киши ҳалок бўлди.

* * *

Европа иттифоқининг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Мигель Моратинос яқин кунларда Исроил ва Сурия ўртасида тинч музокаралар ўтказишга эришишни мўлжаллаётир.

* * *

Польша ҳукуматининг икки собиқ вазири мамлакатта «Алкоголь найранги» воситасида катта иқтисодий зарар етказганликда айбланмоқдалар.

* * *

Украина ҳукумати шахтёрларга ойлик маошидан йиғилиб қолган қарзларини тўлаш учун маблағ тополмаяпти.

БОЙЛИГИНИ «ОРҚАЛАБ» КЕТДИ

Бизнесмен Морис Диз бир умр суққабош яшади. У бадавлат киши эди. Ахир 37 йил Халқаро банк тизимида ишлаб, йиғиб-терганди.

Одамларни кўпинча иккига бўламиз: яхши ё ёмон. Мен бундай бўлишга кўпам қўшилолмайман. Шундай тоифа одамлар борки, улар на оқ, на қорадир. Яратганнинг ўзи уларга шундай феъл-атвор ато этган бўлса бандасида не айб.

Морис Дизни шундайлар сирасига қўшаман. Суққабош миллионер уйида ёлғиз ўтириб, пул санашдан хузурланаркан.

Миллионер қария бойлигини ўйлаб изтироб чекарди, 62 ёшли синглиси Виолетта Ричардснинг айтишича:

— Морис биларди, саноқли умри қолганлигини. Очиғи, охирги кўришганимизда, раҳматли акам, кўзимга жуда хушнуд, хурсанд кўринганди. Ўзига тобут буюртирибди. Юрагидагини тўкиб-солди. Тобутга махсус «кавак» ясатиб, 30 миллионни қандай жойлаштирганини айтиб қолди. Менга тобут четига эҳтиёткорлик билан ишланган «тешик»ка мина жойлаганини ҳам айтди.

«Оламдан ўтганимда ўзинг мени тобутга солгин. Портлагич билан бойлигимни бир карра кўздан кечириб, жуда эҳтиёт бўлиб михлатгин». Кейин дафн маросимидагиларни чақирарсан. Синглим, бу дунёдан кўзи очиқ кетмасин, десанг сўнгги васиятимни бажар!» деди. Акамга сўз бердим. Шу учрашувимиздан икки ой ўтар-ўтмас оламдан ўтди. Ҳамма айтганларини бажардим. Дафн маросими бюросидагилар келгунча васиятини бажардим. У ўта ҳиссиётли эди. Шунданми, қачондир ўлган одам яна дунёга қайта келади деб ўйларди. Бойлигим ўшанда асқотади дерди, раҳматли акам. Қолаверса меросхўриям йўқ. Ёлғиз мен эдим меросхўри. Мен эса ўзимга тўқ яшайман. Бойлигини қолдиришга ҳожат ҳам йўқ.

Чикагодаги бу қабр ҳақида деярли ҳамма билади. Лекин ҳеч ким миллионер «орқалаб кетган» 30 миллион пулига кўз тикмайди. Хазина билан қўшилиб портлашдан қўрқишар балки. Балки Морис Диз ҳақдир. Қачондир асқотар яна ўзига.

Нима бўлгандаям у ўзи учун йиққанди-ку, бу катта бойликни. У дунёда буюрар. Бу дунёда буюрмади, дейиш ҳам ноўрин. Чунки Морис бойлик тўплашдан баҳра олган-да! Лаззатланган. Морис Диз пул санашдан ҳам маънавий озиқланган экан.

Оламда турфа феъл-атворли одамлар бор. Лекин мен гарчи улар оз бўлсада, на оқ, на қора дейиш қийин одамлар ҳақида кўп қизиқиб ўқийман. Шу мулоҳазаларимга кўра, Морисга ўхшаганлар ҳақиқатан ҳам ўта ҳиссиётли бўлишади.

